

## Қ А Р О Р

2023 йил 21 июнь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида раислик қилувчи судья Х.Содиқов, судья ёрдамчиси Ш.Юлдашевнинг котиблигида, Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузохиров иштирокида,

**Ниязов Акмал Сапарович**,  
1978 йил 3 апрель куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Шифокорлар МФЙ ТашГосМи даҳаси 13-уй 18-хонадонда яшовчига нисбатан

Тошкент шаҳар мажбурий даволаш наркологиya шифохонасига алкоголизмдан мажбурий даволашга юбориш юзасидан тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Ниязов Акмал Сапарович Тошкент шаҳар наркологик диспансерида спиртли ичимликка ружу қўйган шахс сифатида ҳисобда турган бўлишига қарамай, мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, бунинг оқибатида оила аъзолари билан уриш жанжал чиқариб келмоқда, қариндош уруғлари, қўни қўшнилари томонидан бир неча мартаба огоҳлантиришларга қарамасдан, тўхтовсиз равишда спиртли ичимлик истеъмол қилишни давом эттириб келмоқда.

Судда Ниязов Акмал Сапарович мазкур ҳолат юзасидан қуйидагиларни билдирди, яъни ҳақиқатдан ҳам мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилаётганлиги, шунинг оқибатида уриш жанжал чиқараётганлиги, бир неча мартаба огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан бу ҳол давом этаётганлигини, диспансерга бориб даволанишга қаршилиги йўқлиги, тўхтовсиз равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиши натижасида соғлиғи ёмонлашаётганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ 5-сонли ИИБ бошлиғи ўз тақдимномасида Ниязов Акмал Сапаровични мажбурий даволашга юборишни сўраган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги 644-сонли “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонунига асосан, мажбурий даволаш суд томонидан бемор иштирокида ҳал этилади.



Суд, иш хужжатларини текшириб, Ниязов Акмал Сапарович спиртли ичимликка ружу қўйган шахс сифатида ҳисобда туриши, ихтиёрий равишда даволанишга қарши эмаслигини, тўхтовсиз равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиши, шунинг таъсирида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир қилишни олдини олиш мақсадида тақдимномани қаноатлантиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги 644-сонли “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонуни 25 ва 29-моддаларига риоя қилиб, суд

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А Д И :**

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ 5-сонли ИИБ бошлиғи томонидан келтирилган тақдимнома қаноатлантирилсин.

Ниязов Акмал Сапарович Тошкент шаҳар мажбурий даволаш наркология шифохонасига алкоголизмдан мажбурий даволашга юборилсин.

Қарор норози томон 72 соат ичида шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**Х.Содиқов**

